# ШАРТНОМАСИ№ 3

Шахрихон тумани 2022 йил «24» июнь

Кейинги уринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган Шахрихон туман Ободонлаштириш булими номидан Низом асосида иш юритувчи рахбари А.Абдумуминов бир томондан ва кейинги уринларда **«Пудратчи»** деб юритиладиган «Фазлиддин фаввораси» МЧЖ Низом асосида иш юритувчи рахбари О.Жураев иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар.

**I. Шартнома мавзуси**

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик

Янги найнаво МФЙ янги найнаво кўчасини жорий таъмирлаш ишлари

(объектнинг номи)

ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. Шартнома буйича ишлар киймати.**

2.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини уз ичига олган холда жорий нархларда 840 069 250 (Саккиз юз қирқ миллион олтмиш тўққиз минг икки юз эллик) сўмни ташкил этади.

Ишлар киймати узил кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холар бундан мустасно:

курилиш киймати ва купайтиришга енгиб булмайдиган куч (Форс-Мажор) холати сабаб булганда:

ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда:

Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

2.2. Жорий таъмирлаш ишлари смета лойихасини тайёрлашни хамда экспертиза хулосасини олиш харажатлари «Буюртмачи» нинг хисобидан бажарилади.

**III. Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни объект лойиха-смета хужжатларига мувофик мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш.

-объектда хавфсизлик техникасини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятни уз зиммасига олади.

3.2.Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

**IV. Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун объект лойиха-смета хужжатларини ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш туганлагинча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш:

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура курилиш назорати ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишлар кабул килиб олишни таъминлаш:

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади:

**V. Ишларни бажариш муддати**

5.1. Танлов эълонлари натижаси буйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан этиборан 30 кунни ташкил этади.

5.2. Шартнома хисоб-китоблар амалга оширилгунга кадар уз кучини йукотмайди.

5.3. Шартнома муддати 2022 йил 31 декабргача.

**VI. Туловлар ва хисоб-китоблар**

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий кийматининг **30 %** микдорида, аванс утказади, бу **252 020 775** (Икки юз эллик икки миллион йигирма минг етти юз етмиш беш) **сўм** ташкил этади. Колган **70 % 588 048 475** ( Беш юз саксон саккиз миллион қирқ сакксиз минг тўрт юз етмиш беш) сўм ишни тула - тукис бажарилиб топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилиб имзолангандан сўнг 90 кунлик муддатда тулаб беради.

6.2. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

**VII. Ишларни бажариш**

7.1. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг

шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

7.2.Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

**VIII. Енгиб булмайдиган куч (Форс-мажор) холатлари.**

8.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

**IX. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш.**

9.1. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибда мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугаллаган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларга биноан амалга оширилади.

9.2. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

**X. Кафолатлар**

10.1. **Пудратчи**

-барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

-лойиха хужжатлари хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик барча ишларни сифатли бажаришни

-узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, техник шартларига мувофиклигини:

-ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килинишни;

10.2. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул килиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади Объект кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

10.3.Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этулгинга кадар фойдаланишни давом этириши имконини бермайдиган нуксонлари аникланса, нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

**XI. Шартномани бекор килиш**

11.1. **Буюртмачи**:

-шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечиктирганда;

-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган курилиш Пудратчининг айби билан шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

-пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

11.2. **Пудратчи:**

-ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюрмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда:

-конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

11.3. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини **15 %** Пудратчига тулайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома билдиради.

11.5. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етгазилган зарани, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

**XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган такдирда айбдор томон:

-иккинчи томонга етказилган зарарларни тулайди;

-Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Конунда, бошка конун хужжатларида

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мжбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вактида молияштирмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилагн хар бир кун учун кечиктирилган туловнинг 0,4 % микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилгаг туловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.4. Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пениянинг умумий суммаси объект бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоиз микдорида пеня тулайди, бунда пениянинг уммумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

Буюртмачи ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш холати юзага келса, бажарилган ишлар хисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим булган туловлар хисобидан ушлаб колиш хукукига эга.

**XIII. Низоларни хал этиш тартиби.**

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зараларни коплашда пойдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан куриб чикилади.

**XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.**

| **БУЮРТМАЧИ** | **ПУДРАТЧИ** |
|---|---|
| **Шахрихон туман Ободонлаштириш бошқармаси** | **Бўстон туман “Фазлиддин” фаввораси** |
| **Манзил; Намозгох МФЙ мусса жалил кучаси** | **Манзили:Бўстон туман Маориф мфй турон** |
| **х/р 401722860032307045204110010** | **х/р 20208000400744961001** |
| **Стир; 204604616 ОКОНХ;90290** | **ШХР ____________________** |
| **Газначилик булинмаси номи;** | **Банк ном АТБ Хамкорбанк Шахрихон ф** |
| **Молия вазирлиги ягона газначилик** | ____________________ |
| ____________________ | **МФО:00039 ИНН:304 729 457** |
| **Тошкент шахар Марказий банк ХККМ** | **ОКОНХ:______ ОКЭД:______** |
| **МФО;00014 Стир 201122919** | ____________________ |
| **Рахбар:__________А.Абдумуминов** | **Рахбар:__________О.Жураев** |

.V.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: GV6775326210

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY HULOSA

## № QH61461124

**1 Loyihaning turi:** Shartnoma;

**2 Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi;**

Shaxrixon tuman Obodonlashtirish boshqarmasi nizomi asosida ish yurituvchi raxbari **A.Abdumuminov** xamda **«Fazliddin favvorasi» MChJ** Nizom asosida ish yurituvchi raxbari **O.Juraev** o'rtasida shartnoma shartlariga muvofik Yangi naynavo MFY yangi naynavo ko'chasini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish kurilish ishlarini bajarish uchun zarur sharoitlar yaratish, ularni topshirish-kabul kilish va tulovni amalga oshirish yuzasidan tuzilgan pudrat shartnomasi;

**3. Loyihaning ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot;**

Ushbu shartnoma loyihasi Shahrixon tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 23.06.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti

E. Turdaliyev
24.06.2022 yil